



Ивановдаги Варленцова номи фабрика коллективи моҳир тўқувчи, КПСС аъзоси Валентина Николаевна Смирнованинг номи зўр ифтихор билан тилга олади. Валентина Юлия Вечерова ташаббусига эргашиб, ускуналарнинг иш унумдорлигини оширишда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Суратда: ўртоқ В. Смирнова.

Келинг, тажрибаларимизни ўртоқлашайлик

МУСОБАҚАДАН асосий кўзланган мақсад — янгиликларни, кўп йиллар мобайнида тўп-ланган тажрибаларни ёзар ўртоқлаш, йўл кўйилган камчиликларни кўрсатиб туриш ва шу асосда янги юксалишга эришишдан иборатдир. Бизда ҳам, бизда ҳам ўргана-арзайиб янгиликлар бор, албатта.

Тошкентлик касбдошларим, мен сизларга корхонамиздаги бир янгилик — икки полотноли тўқув станогига таъриф бермоқчиман. Бу янгилик сизларга ҳам маъқул тушса керак.

Конструктор-инженер Константин Федорович Куликов маъжуд тўқимачилик машиналарини такомиллаштириш асосида янги — икки полотноли тўқув станогига яратди. Фабрикада биринчи бўлиб мен бу агрегатларда ишлашни ўзлаштирдим. Дастлабки пайтларда ҳа дегадда кўлим келармиди, бироз қийналдим. Лекин мастер ёрдамчиси Ю. Уланов ва конструктор К. Куликов ўртоқларименга жиндан ёрдам берди. Орадан кўп ўтмади, Аввал учта кейинчалик тўртта, бора-бора аса бир йўлда бешта станокда ишлашни ўзлаштириб олдим.

Бу станок тузилиши жиҳатидан оддий тўқув станогига қараганда бироз мураккаброқ бўлса ҳам, унда ишлаш анча осон. Нега деганда, станок асосий валининг айланishi минутага 250 дан 180 га камайтирилган.

Қисқа вақт ичидаёқ янги агрегат юқори иш унумига эга эканилигини кўрсатди.

МАНА бир неча кун бўлдики, пага-пага ёғатган қор тингани йўқ. Йўллар ҳам, биноларнинг томлари ҳам, дарактлар ҳам — ҳудуд бўтун борлиқ ошқоч қойнаб-га бурканган. Нақадар гўзал, нақадар нафис бу рус киши. Оёқ остида гириллаётган қор, мусоффо ҳаво — буларнинг ҳаммасининг ўзига хос ҳусни, ўзига хос таъти бор.

Галина трамвайдан тушган, ан шунда жамолини ҳусинини кўз-кўз қилаётган борлиққа суқлиниб бодди: ҳаммаёқ кўз камантирудек оппоқ. У, соф ҳаводан кетма-кет чуқур нафис олди-да илдам қадам ташлаб юриб кетди. Комбинат дарвозасидан ичкарига кириб борар экан дуч келганлар у билан самимий саломлашди. Ҳа, бу ерда Галина танимайётган бирор киши йўқ. Бу улкан корхонанинг каттадан-кичиги унинг номини ҳамма ерда зўр ҳурмат ва ифтихор билан тилга олади. Куюн-чакки, ишта бўлган муҳаббат коллектив ўртасида бу қизга зўр обрў келтирди.

Галина коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи. Бригададаги 14 қизнинг ҳаммаси бири-бирдан чап-даст, бири-бирдан чаққон. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун! Бригада аъзолари ҳамма вақт ва ҳамма ерда ана шу широра қаттиқ амал қиладилар. Шу сабабдан ҳам 14 ишчининг бироортаси топиширини ортиги билан бажармаган кунни йўқ. Ишда ҳам, турмушда ҳам учраган қийинчиликларни биргаликда енгишда, меҳнат наъясини ҳам, ҳаёт лаззатини ҳам биргаликда баҳам кўришда.

„ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕГ, 1960 ЙИЛ, 5 МАРТ.

Ленин вахтасида

... Кўп қатори Галиналар иш-лаётган комплексдаги ускуналар ҳам модернизациялаштирилди. Натижада машиналарнинг ишлаш тезлиги илгаригига қараганда анча ортиди. Лекин бригададаги айрим ишчиларнинг кўли ҳа дегадда бу тезкор машиналарга қўника қолмади. Кўп йиллар ишлаб, етарли тажриба ортирганлар қисқа муддат ичида ускуналарнинг проектка кўрсатилган қўввати даражасида ишлашига аришдилар. Лекин бригадада ёшлар ҳам бор. Мана шулар дастлабки пайтларда анча қийналиб қолшди. Орадан беш кун ўтди, ўн кун ўтди, лекин ишда сезиларли ўзгариш бўлмади. Шунда Галина бригададаги ҳар бир ишчининг ўтган вақт мобайнида қилган меҳнати натижаларини ўрганиб чиқди. Илгорлар билан ўрта миёнада ишлайётганлар орасида тафовут анча сазмоқди эди. Қандай қилиб бу тафовутни йўқотиш, ўрта миёнада ишлайётганлар ҳам қандай қилиб илгорлар қаторига етказиш мумкин? Бу масала Галинага тинчлик бермасди. У, ўз фикрларини ўртага ташлади. Кўпдан кўйи қочиб қутилмас деганларидек, бунинг чораси топилди. Янги станокларни ўзлаштириб олган қизлар ўрта миёнада ишлайётган дугоналарини оталикка олдилар. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Бу тадбир ўз натижасини берди. Декада ва ойлик топишириқлари андиликда муттасил 20-25 процент ортиги билан бажарилаётди.

Машҳур новатор Юлия Вечерова ташаббусига қўшилган бу илгор бригада ускуналар унумдорлигини ошириш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқда. Иш жойлари доимо озода сақланиб, ускуналарга меҳр билан қаралади. Шу сабабдан ҳам ме-



М. КОРИЧЕВА,
Кинешма шаҳридаги 1-Фабриканинг тўқувчиси.

— Шонли етти йиллигининг иккинчи йили топиширини ҳам муддатидан илгари бажарайлик!

Тошкент иқтисодий-маъмурий районининг меҳнаткашлари яқинда ана шу шир билан Иваново Ҳалқ хўжалиги кенгашига қарашли корхона коллективларини социалистик мусобақага чақирдилар. Бей революцион аънамаларга эга бўлган Иваново области меҳнаткашлари тошкентликларнинг бу чақиригини зўр кувонч билан қабул қилдилар. Ҳар икки иқтисодий район меҳнаткашлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш,

тажрибаларни ўртоқлаш, янгиликларни бир-бирларига ўргатиш мақсадида Иваново Ҳалқ хўжалиги кенгашининг 16 корхона коллективи Тошкент Совнархозининг 16 корхона коллективини социалистик мусобақага чақирди. Бу чақирини тошкентликлар ҳам бирдамлик билан қўллаб олдилар.

Куйида ана шу ҳар иккала мусобақадор иқтисодий район меҳнаткашларининг ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш йўлидаги фидокорона курашлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

ТАШАББУС ҚАЙНАМОҚДА

МЕН тошкентликлар билан Иваново Ҳалқ хўжалиги кенгашининг техника-иқтисодий совети иш тажрибалари билан ўртоқлашмоқчиман.

Иқтисодий район саноатини янада ривожлантириш, янги техника ва илгор технологияни кенг жорий қилиш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш ва шу йўл билан меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳсулот таннаҳини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш каби муҳим масалаларни ҳаётда кенг меҳнаткашлар-омманинг иштирокини таъминлаш — одимизда турган асосий вазифалар ана шулардан иборат.

Техника-иқтисодий советимизнинг состави 377 кишидан иборат. Улар орасида корхоналарнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш новаторлари бор. Турли хил институтларнинг 61 илмий ходими, шу жумладан икки техника фанлари доктори, 4 профессор, 7 доцент ва 19

техника фанлари кандидати советимиз аъзосидир.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш мақсадида ўтган йили совет бир қанча муҳим масалаларни кўриб чиқди. Муҳокама қилинган 67 масала юзасидан ҳозир бўлган 3532 кишидан 638 киши сўзга чиқди. Ана шулар асосида амалга ошириш учун 1107 та тақдир ишлаб чиқилди. Илгорлар тажрибасини кенг омдалаштириш мақсадида 3 та выставка ташкил қилинди, ишлаб чиқариш новаторларининг илгор иш усулларига бағишланган 9 та брошюра нашр этилди.

Ўтган йили машинасозлик корхоналарида тайёрланаётган механизм, прибор ва машиналар конструкторларини яхшилаш мақсадида 5 та махсус комиссия тузиди. Бу комиссия аъзолари корхоналарнинг иш билан, улар тайёрлаётган машиналарнинг кўрсаткичлари билан ҳар тарафлама чуқур танишдилар. Текшириш натижалари советнинг машинасозлик саноати секциясида муҳокама қилинди. «Интелек» заводи тайёрлаётган машиналарнинг 29 типли эскириб қолганини учун ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, 24 типдаги машинани модернизациялаш, 38 типдаги машинанинг тажриба нусхаларини тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Худди шунингдек, Королев номи завод ишлаб чиқараётган 9 хил, Кинешмадаги Калинин номи завод ишлаб чиқараётган 3 типдаги машина ҳозирги талабга жавоб бермаганини учун уларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш тавсия қилинди.

Бу тақдирларнинг ҳаммаси бирин-кетин изчилик билан амалга оширилмоқда. Натижада корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари тубдан яхшиланаётди.

Тўқув станокларини тезкор усулда ишлашга ўтказиш муносабати билан уларнинг электр моторларини модернизациялаш зарур бўлиб қолди. Советнинг энерго-механика

Иваново тўқимачилик машинасозлиги заводи коллективи ўртасида етти йиллик топишириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш тобора кенг қулоқ ёймоқда. Яқиндагина Совет Армияси сафидан бўшаб келган Юрий, Николай ва Вадим ана шу ҳаракатнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) Юрий Егоров, Николай Сергеев ва Вадим Туркин ўртоқлар.

А. Дворжец фотоси.



Ҳамкорликни мустаҳкамлаймиз

МУҲИМ РОЛЬ УЙНАЙДИ

ҲАММАГА ҚҲЛ НЕЛАДИГАН УСУЛ

Иваново тўқимачилари ва йигирмачилари билан учрашган вақтида улар тўқимачилик машиналарининг сифатини яхшилашга ёрдам берадиган бир қатор тақдирлар киритдилар. Шу билан бирга ир-нововиклар «Таштекстильмаш» ва тўқимачилик машиналарини лойиҳа-лаштирувчи махсус конструкторлик бюроси коллективига бир қанча аътирозларни билдирдилар. Кей-сида биз — конструкторлар буларнинг ҳаммасини ҳисобга оламиз.

Иваново тўқимачилик машинасозлиги заводида бир қанча муҳим масалалар билан танишдим. Лекин уларнинг ишидаги айрим камчиликлар ҳақида ҳам айтиб ўтмоқчи-ман. Фикримча, корхона юрғи ҳисобланган ҳўвон цехидаги ишларни механизациялашга кам эътибор берилмаётди. Ваҳоланки, етержанлар тайёрлаш, эритмани қўйиш каби процесслари беамадор механизациялаш мумкин.

«Интелек» заводидаги коллектив бизнинг «Таштекстильмаш» заводимизни социалистик мусобақага қақирди. Бу мусобақа, ҳеч шубҳасиз, машиналар конструкторияси янада яхшилаш, уларнинг янги-янги турларини яратишда муҳим роль ўйнайди.

А. ЮНСОВ,
Йигирув машиналарининг конструктори.

Тошкент иқтисодий-маъмурий райони дегадасини составида Иваново шаҳрига бортанида, машҳур новатор Юлия Вечерова билан учрашми мен учун айниқса қувончли бўлди. Ахир биз у билан касбдошмиз. Комбинатимизда ҳозир 400 дан ортиқ ишчи Юлия ташаббусига қўшилиб, ускуналарнинг иш унумдорлигини ошириш учун курашмоқда.

Машҳур новатор суҳбатда ўз тажрибаларини ҳақида, қандай қилиб ҳозирнинг ўздаёқ ускуналарининг иш унумдорлигини етти йиллигининг охири йили — 1965 йилга мўлжалланган даражага етказганини ҳақида батафсил гапириб берди.

Юлиянинг ташаббуси етти йиллик топишириқларининг шараф билан бажарилишини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Чунки ускуналарнинг иш унумдорлиги қанчалик ошса махсулот тайёрлаш шунчалик кўпаяди, бинабарин унинг таннаҳини камайти. Бу ташаббуснинг афзаллиги шундаки, уни экономиканинг барча соҳаларида кенг омдалаштириш мумкин. Иқтисодий районларимиз ўртасидаги мусобақа ҳар иккала томон учун катта фойда келтиради.

Л. ЧУПРИНА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

Иваново шаҳридаги «Красная заря» кондитер фабрикасининг коллективи меҳнаткашларга маъзали ва тўйимли махсулотларни мўл-қўл етказиб бериш учун курашмоқда. Суратда: фабриканинг илгор бригадаси бошлиғи Роза Лебедева иш устида.

А. Дворжец фотоси.

МОҲИР СУТ СОҒУВЧИ

Район чорвадорлари кенгашида раислик қилувчи, — сўз Сталин номи колхознинг донгдор сут соғувчиси Анорхон Назаровага, деганида президиумда ўтирган бурдобранг, чўзиқ юзли аёл чўчиб турди. Ўрнидан қандай иргиб туриб кетганини сезмади. У, ҳаяжонга тушган ҳолда трибуна олдида келди-да, бирдам тўхтаб, ўзини «босиб олмоқчи» бўлди.

— Ўртоқлар,— деди у, — оҳиста сўзга киришар экан,— докларда районимизнинг илгор сут соғувчилари қатори менинг номини ҳам тилга олиб ўтди. Очингани айтсам мен ҳали бунчалик мақтовга сазовор бўладиган иш қилганим йўқ. Тўғри, етти йилликнинг биринчи йили ёмон бўлмади. 1953 йилда ўз боқимиздаги 14 ситирнинг ҳар бирдан 3850 литрдан сут соғиб олган бўлсам, ўтган йили 4350 литрдан ёки 1958 йилда нисбатан жами бўлиб 10490 литр кўп сут соғиб олибман. Ўйлаётганим, ситирлардан кўп сут соғиб оламан деган киши бу билан қаноатланмайди.

1959 йил бошлари эди. Фермага «Базарная» деган янги ситир келтирилди. Ўша кезларда «Ванда» ва «Галка» исмли ситирларимдан бир кунда 25 дан кўриб 28 литргача сут соғиб олган бўлсам, «Базарная»дан олган сутим 3-4 литрдан ошмади. Нега шундай? Балки мен боқининг ўрнига қўй олмагандирман. Ундай десам емакка ейишда бошқа ситирлардан камроқ фарқ қиларди. Пўк, ке-инчалик билсам ҳамма гап соғинишдан олдин унинг авзойини бил-лишда экан. Дарҳақиқат уни си-лаб-сипаламасанг, раёйига қараб озуқа бермасанг минг унингтин сутини тортиб қўяркан. Бунини си-лаб кўрдим-да, ҳозирча ўша «Ба-зарная» деган ситирини 8-10 литрга етказиб сут бермоқда.

Анорхон опа гапим чўзилиб кетгани деган маънода олдин пре-зидиумга сўнг залда ўтирганларга қаради. Ҳамма унинг сўзини диқ-қат билан тинглади эди. Шундан сўнг у дадиллик билан сўзида да-вом этди.

Демак, мен айтмоқчиманки, ана шундай бир хил режими солиб тўғри парвариш қилинса ҳар қан-дай ситирдан ҳам кўп сут соғиб олиш мумкин экан.

Анорхон опа яъналик донгдор сут соғувчи Вера Рибаченка тенг-лаштишга, бу йил ўз боқимиздаги ситирларни 18 бошга етказиб, уларнинг ҳар бирдан камидан 90 тонна сут соғиб олишга ваъда бер-ганида залдагилар унинг бу сўз-ларини олишдиладилар.

Ана шу воқеадан сўнг биз Анорхон опа билан қилган суҳба-тида, бу аёлнинг сўз билан иш бир эканлигига қаноат ҳосил қилдик.

— Силос боқими, сут оқими,— дегандари беиз эмас экан,— дей-ди Анорхон Назарова. Ситирнинг сутини тилида эмасми, жонивор қа-ча хўра бўлса шунча кўп сут бе-ради. Баъзи фермаларда киши ку-ларини сут соғиб олиш анча кама-либ кетади. Биз молни киши фас-либ ҳам ем-хашак билан бир ме-ерда таъминлаймиз. Ўришайтган ютуқларимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Дарҳақиқат Анорхон опа қа-риб 8 йилдан буён колхоз чорва-чилигини ривожлантириш ишига ўзининг баракали меҳнати билан муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳалол меҳнат кишига шон-шўҳрат ва об-рў келтиради, колхозчилар унга эъзир ишонч билдириб область Со-ветига депутат қилиб сайладилар.

— Депутат бўлганидан кейин бошқаларга ҳам ўрнак бўлиш ке-рак экан,— дейди у. Бу шунчаки айтилган сўз эмас албатта. Анор-хон опа шу кунгача ўз боқимиздаги 14 ситирдан қариб 10 минг литр ёки ҳар бир ситирдан ўтган йилда нисбатан 1,5 баравардан кўпроқ сут соғиб олибди.

Анорхон опа ҳозир Оржоникид-зе районининг ёшлари бошлаган ташаббусга қўшилиб фермага кел-ган ёш Ҳалима Дехқонбоевага ўзининг бой тажрибасини ўргатиб, ялғорлар сафини кенгайтириш ишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

А. ШАЙХОВ,
Янгийул районидagi Сталин номи колхоз.



Баҳорги дон экиш қизғин давом этмоқда

Янгийер шаҳридаги «Ховос» совхозда баҳорги дон экиш қизғин давом этмоқда. Бу йил, яъни, юқори ҳосили «унумли арпа» экишга ало-ҳида эътибор берилмоқда. Бу янги нав Милютин уруғ-чили станцияси томонидан яратилган.

Совхозда бригада механи-ги ўртоқ Б. Муротов раҳ-барлик қилаётган меҳнат-барлар баҳорги дон экишда агрегатлардан тўла ва уну-мли фойдаланиб яхши на-тижаларга эришмоқдалар.

Суратда: Б. Муротов (чап-да) ва совхознинг бош агро-номи М. Додобоев ўртоқлар янги уруғлини текшириб кўрмоқдалар.

Қ. Розиков фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ГЕОЛОГ ҚИЗ

Геолог қиз кезади узоқ. Ўзининг тоғу-дашту, қирини, Ер мағзиндан олади тупроқ, Аниқлайди унинг сирини. — Топган каби олтинни, мунча, Тиникласи? — сўрагани ундан. Қиз дедикки: — Бу она тупроқ, Нам эканини ўша олтиндан?

Омон МУХТОРОВ.



Орзу ушаладиган бўлди

Турсуной Пўлдошева 1958 йилда ўрта мактабни тугатган. Бирор номи колхозда ишлаб қолди. У илгирлари ҳам дарсад бўш пайтларида пахта далалари-га чиниб ота-оналарга ёрдам бе-риб турарди. Яёвчилик эса колхознинг чиндам кучи бўлиб қолди.

Кўп ўтмай пахта терими бош-ланди, катта тажриба орттирган теримчилар мавсум учун юк-сак мажбуриятлар олдишди.

Шулар қатори Турсуной ҳам 10 тонна пахта теришга қарор қилди.

Турсуной Пўлдошева ўша йили олган мажбуриятини ба-жарганидан кейин, мен ҳам

чевар теримчилар қаторига қў-шилсам бўлар экан, деган фикрини қўйилга тугиб қўйди. 1959 йил пахта терими бошлангич арафаси-да мавсумда 15 тонна пахта те-ришга шайланди. Бу мажбурият ҳам бажарилди. Лекин бунинг учун Турсуной жуда кўп куч, тай-рат сарфлади. Ўйлаб қараса у ҳар қанча эър берса ҳам бир кунда терган пахтаси 200—220 ки-лограммдан ошмас экан. Бундан олгини унга оғирлик қилар экан.

Турсуной шунинг «Йўлаб бон қоти-раб юрган кунларда бир қанча дугоналарининг Вревскийдаги ме-ханизаторлар тайёриш мактабига ўқишга кетаётганини эшитди.

— Мен ҳам шу мактабга борганим бўлсам! — ахд қилди у. Мақсад аниқ бўлса, кишининг

қўлидан келмайдиган иш йўқ. Турсуной меҳанизаторликка ҳава-си банд экан билан бирга тех-никанинг тилини билиш учун олланди.

Ҳозир меҳанизаторлар тайё-риш мактабига кишининг қандай ўқитгани ҳақида гап — юри-тилса, биринчилар қатори Турсу-ной Пўлдошеванинг номи тилга олинади.

— Техникага ҳаваси эър, — таъриф қилаётди мактабнинг ил-мий бўлими мудир ўртоқ Шав-кат Мухторов, — ўқишда ҳам алоҳи, юриш-турушда ҳам. У ҳамкишдоги, Социалистик Меҳнат Қадрамони Турсуной Оху-нова билан баравар беллашаол-диган меҳанизатор бўлиб чиқди.

М. ПЕЙСЕНОВ,
Чиноз райони.

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Яқинда олий партия мактаби биносида ком-мунист хотин-қизлар ин-ти алоқининг учрашу-ви бўлди. Кечани марк-сизм ва ишим кечки университетнинг дирек-тори кекса коммунист Ана Иванова Цибизо-ва очди.

Сўнг сўз Владимир Ильич Ленин билан учрашим бахтига му-носабат билан Шамсиддин Гойибжо-нова берилди. Гойибжонова ўз хотираларини мароқ билан сўзлаб беради. Иштирокилар кекса комму-нистлардан Мусимова, Камаева ўр-тоқларнинг сўзларини ҳам эър қизи-қиб билан тинглайдилар.

Сўнг минбарга ёш коммунистлар-дан Сарварова, Худойберганова, Бу-гарова, Умарова ўртоқлар чиқиб, ўз фаолиятлари ҳақида завқ билан сўзлайдилар. Иштирокилар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. Насриддинова, республика социал-таълим вазирлиги М. Соли-қова ҳамда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев ўртоқлар қатнашдилар.

АҲДИ ЧИН АЁЛ

Ўрта бўйли, қотмагина жуvon минбарга кўтарилди. Залдагилар уни яхши танишарди. Шунинг учун ҳамма, Турсуной нима дер экан, деб унинг оғзини пойлаб турарди.

Зал жимикти. Юз тонначилар ҳаракатига қўшилиш ниятида бўл-ган юзлаб ёш-ялғорлар, қиз-жувонлар ташаббускор меҳанизатор-дан келмаган ишлар учун маъқул йўл-йўриқ, аниқ кўрсатма кўниб турибдилар.

Хотинча хотин-қизлардан меҳаник-халдовчилар жуда кам,— чертиб-чертаб галларди у. — Ай-рим кишилар тракторни боққарини аёлларнинг қўлидан келмайдиган дейишди. Бу гапни ҳозирги тур-мушамизнинг ёш чинпамка чиқар-ди. Ҳамма гап қизиқдики, Маши-нанинг тилини билиб олишда Бе-мақал ишонинг, бу ишнинг ҳеч қанча қийинлиги йўқ. Келинлар, дугоналар, меҳанизаторларни ўр-та-найлик, шунда бир-биримизнинг ама-си, йигитларини ҳам бемалол му-собекага қаҳриварлардан бўламиз.

Бу гаплар 1959 йилда, пахта терими бошлангич арафасида ай-тилган эди. Мана шу кенгашда иштирок этган Холбўви пойтахт-дан янги йў, янги режалар билан қайтди. Совхозга келгандан кей-ин кўнглини тугиб қўйган гаплар-нинг ҳаммасини умр йўлоши Бо-зорбой акага айтди.

— Гапларининг тушундим,— деди шунда ваъзинлик билан Бо-зорбой ака,— лекин қўнглимни келмай турбиди. Нимага десанг, совхозимизда пахтани машинада теришга ажратилган ерлар жуда оқ. Аввал катта кетиб, кейин эл-га кўлиб бўлиб қолмагани, тагин. — Бунинг ўрни ҳам тушунаман. Шундай бўлса ҳам аҳдидаман қай-тмайман. Ахир қўнглим олдида,

Терим машиналари пахтазорга кирди. Холбўви ишта тушган бри-гадада тунов кунни уни камситган Тўғрун ҳам пахта терарди. Ол-динги машиналар тўрт букердан пахта тўкишди. Холбўви эса бе-шинчи букерни ҳам яримлайиб қўйди. Шу маҳал у Тўғруннинг машинаси тўхтаб турганини кўрди.

— Нима бўлди,— сўради у оқ-қўнглилик билан, Тўғрун бўлса бунинг ичинг деб ўйлади.

— Нўнглилик қолмаг,— деди у қайлайиб, гапни табиий оҳангда. Холбўви бундан хафа ҳам бўлмади. Машинага ўтирди-да яна пахтазорда суза кетди. Иккинчи, учинчи марта эър бошдан қайта-ётганида ҳам Тўғруннинг машина-си жойидан қўзғалмади. Машина-нинг муфтаси синган экан.

— Дурустроқ ремонт қилмаган экансиз, мана энди ўзингиз қий-наласиз,— бегараз галларди Холбўви яна унинг қаршисида тўхтаб,— ердამлашга юборай.

— Иштигиз бўлмасиз дедим-ку! — Икхитирингиз. Лекин бри-гаданинг графиги бор, шунинг унутманг...

Тўғрун яна ўз совхозига қайт-ди. Терим тугагач, пахтанинг ани-гази нечиб қолган эди. Холбўви кунига 200-300 килограммдан те-рса ҳам ишни бўшаптирмастикна қарор қилди. Ниҳоят «100» қалъа-сини ҳам қўлга киритилди. Олинган мажбурият тўла бажарилди.

— Утган иш ўтди,— ўз-ўзича мулоҳаза қилиб қолди Холбўви уни кузларнинг бирда,— энди келгуси йилга ҳозирлик қилиш ке-рак. Турсуной Охунова ўзига шок-гирлар олибди. Кел, мен ҳам кикк-уч қизни ўз ёнимга тортай.

Холбўвининг уйда машғулот-борарди. Таърибали меҳанизатор эи бригадасининг икки аъзоси — Ойимсора ва Зулхуморларга кар-бораторнинг вазифаларини ту-шутирмоқда.

— Қани, бу қисмининг вазифа-си нимадан иборат экан, Зулху-мор? — сўради у машғулот яку-нида. Зулхумор устознинг айтган-ларини оқимай-томимай гапийиб берди. Ҳаммаси эсида қолдиби.

Ойимсора бўлса ундан ҳам пиш-қирди. Холбўви шоғирларнинг уқувли, зийраклигидан қувониб кетди. Кейин уларга эртага бўла-диган машғулотларнинг мазмунини тушунтирди.

— Вақтийроқ трактор паринга келинлар. Карбораторнинг қай қилди ишларини амада кўрсата-ман.

— Ҳа, айтгандай Тўғрун касбдо-шларига айтиб юрган экан: «Мен Холбўвини меҳнатимизда қамақ қи-лдим, мусобекада ютказдим. Бу йил чиндам мусобекаланаман. Холбўвининг пахтазор доғини эканлигига ишонч ҳосил қилдим» дер экан...

Ф. УСМОНОВА,
Янгийер шаҳридаги «Фархот» совхоз.

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

(Меҳнаткашларнинг хатларига ёзвор)

Маданий ва фаровон ҳаёт кечи-раётган областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукумат томонидан қили-наётган таъмирликдан чекенз ми-натдор эканликларини изҳор қилиб редакцияга қўлаб хат юбордилар. Шунинг билан бирга улар ишмиизда рўй бераётган айрим нуқсонларни йўқотиш учун астойдил ҳаракат қи-ладилар. Газетхоналаримиз, айниқса ишчи-деҳқон муҳбирларимиз маъқул камчиликларни бартараф қилишда партия ва совет ташкилотларига матбуот орқали ёрдам беришни ўз бурчларини деб билишди.

М. Умаров ва О. Нозимовлар ўртоқ-лар Октябр район Октябр сель-поси, шунингдек Янгийул район Свердлов сельпоси ҳошимлари аҳоли-га яхши хизмат қилаётганликлари-ни мисоллар билан кўрсатиб берган-лар.

Бекобод район 2- «Далварзин» посёта советининг ўртоқ Утегенов, Чиноз қишлоқ Совети ва унинг де-путатлари маданий-маиший хизматини яхшилашда актив иштирок этмоқда-лар. Бу ҳақда хат ёзиб юборган Г. Сафаров, У. Шарипов ўртоқлар сай-ловчиларнинг ўз депутатларидан миннатдор эканликларини алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Мирзачўл шаҳридан хат ёзиб юборган ўртоқ З. Рўзибоев Гулистон район матбуот жамиятига қарашли чойхона (мудир Х. Ашуров)даги тартибсизликларни ёзиб юборган. У маданий-оқартув ишлари мутлақо йўлга қўйилмаганини, чойхона мудир Ашуровнинг хусусий оқват тайёрлаб қимматбаҳода сотаётганли-гини мисоллар билан кўрсатиб бе-ради.

— Бўстонлиқ район йўл қурилиш бўлимининг раҳбарлари,— деб ёзди шу ерлик ўртоқ Р. Назаров,— ўз ишларига масъулиятсизлик бил-дан қарамқдалар. Бурмузлага бо-радиган йўлнинг айрим участкалари ўқир-чўқир бўлиб кетган, ремонт-га муҳтож. Уни ремонт қилишга эъ-тибор берилмаптир. Шунинг нати-жасида автобус қатнови тўхтаб қо-лган.

Пенсионер В. Мусаев пойтахтдаги

осма соатлардан қолиб ёзади. Ша-ҳардаги соатлар,— дейди у,— вақт-ни тўғри кўрсатмайди. Базиллари олдин, базиллари орқанда қолиб ке-тади. Қўплари аса бутунлай ётиб қолган.

Пискентга алоҳида автобус қатна-ши керак. Бу — район меҳнаткаш-ларининг талаби. Шу ҳақда Ўзбекис-тон ССР Автоомобил ва топ йўллар министрига бир неча бор муро-жаат қилинган бўлса ҳам ҳамон амалга оширилмаптир.— Мухбиримиз ўртоқ О. Шонингулов шу ҳақда ёзиб, Пискент меҳнаткашларининг талаби албатта амалга оширилиши керак, дейди.

Бўстонлиқ район Товоқсой посёл-касида хат ёзиб юборган ўртоқ З. Турмиевнинг Чирчиқ шаҳри ва бошқа жойлардаги хўжалик мағазин-ларида рўзгор бўмбўли, хусусан электр дамол, масоруби каби энг зарур асбобларнинг топилмаслиги ҳақида шикоят қилди.

Янгийул район Свердлов қишлоқ совети аҳолиларидан бир неча киши хат ёзиб, шу қишлоқ советининг 3- участкасидаги темир йўл останова-сида йўловчилар учун қутиш пий-пони қуришни талаб қилдилар.

Тошкентнинг айрим катта кўча-ларида, айниқса Октябр район қис-мидаги кўчаларнинг ҳар ер, ҳар ерида ахлатлар уюлиб ётади. Бу ах-латлар шаҳарнинг ҳуснига шунтур ет-казайтганлигини район ижроия ко-митетининг ҳошимлари ҳам билиш-ди. Лекин кўчаларни ахлатлардан тозалаш туришга эътибор берилма-ди.

— Район коммунал хўжалиги хо-шимлари,— деди редакциямизга хат ёзиб юборган ўртоқ Ю. Баҳориев,— бу масалага жиддий эътибор бериш-лари керак. Мухбирларимиздан М. Мансуров, С. Хўжаев, Н. Куфонов ўртоқлар ҳам юқоридagi каби айрим нуқсонлар ҳақида ёзиб юборганлар.

Совет ташкилотлари меҳнаткаш-ларнинг хатларига, ариза ва шикоят-ларига эътибор билан қарашли ҳақда улар томонидан кўрсатилган нуқсонларни бартараф қилишлари лозим.

Дори-дармонлар янада кўпаяди

ХАЛҚ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг халқ соғлигини сақлаш ва аҳоли-га медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш тадбирларини му-фассал баён қилиб берган қарор-ида медицина бўюмлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, янги дори-дармонларни топиш ва яратиш соҳасида илмий-тадқиқот-ларни кенгайтириш, дори-дармонлар шохобчаларини ривожлантириш ва аҳолини дори-дармонлар, тер-мометрлар, марли ва момиқ би-лаб кўпроқ таъминлаш тадбирла-ри ишлаб чиқилган. Дори-дармон-лар, медицина техникаси бўюмла-ри ва бошқа медицина бўюмлари ишлаб чиқариш ҳажми 1965 йил-да 1955 йилдагига нисбатан 3,5 баравар кўпайтирилди. Мазкур қарорда медицина практикасига бундан 20 йил муқаддам кири-тилган пенцилин ва бошқа ан-тибиотик препаратларни янада кўпроқ ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилган. Чунончи, етти йиллик охирига бориб пенцилин 4,8 баравар, стрептомицин 5,5 баравар, левометицин 7 бара-вар, тетрациклин тарзидаги ан-тибиотиклар 13 баравар кўп иш-лаб чиқарилади. Шу билан бирга янги антибиотиклар топиш, гар-монлар препаратлар ишлаб чиқа-риш, витаминлар тайёрлаш каби муҳим ишлар фармацевтика хо-димларининг шарафли вазифаси деб кўрсатилади.

Партия ва ҳукуматимиз инсон-парварлигининг юксак намунаси бўлган бу ҳужжатда аҳолини юқо-ри сифатли дори-дармонлар бил-ан тўла таъминлаш, алтекаларни кўпайтириш, уларни аҳоли кўп яшайдиган жойларга яқинлашти-риш масалаларига ҳам жиддий эътибор берган. 1965 йилгача мамлакатимизда 6500 та янги до-рихона очил, область ва ўлка марказларидаги медицина асбобла-ри, ускуналари, оптика ва тиш даволаш материаллари билан савдо қиладиган иxtисослашти-рилган мағазилар очил, вазифа-сини иттифокчи республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига юкланган.

Аҳоли соғлигини сақлаш, меди-цина хизмати савиясини кўтарини ишлари Ўзбекистонда, жумладан Тошкент областида анча яхши олиб боришмоқда. Бунинг учун катта имкониятлар ва шарт-шар-оитлар мавжуддир. Республика-мизда ўнга яқин медицина илмий-тектириш институтлари, битта фармацевтика институти бўлиб,

улар қимматли тадқиқотлар олиб боришмоқда. Тошкентда турли дори-дармонлар ишлаб чиқариш-дан фармацевтика заводи ҳам бор.

Тошкент Давлат фармацевтика институти Ўрта Осиё ва Қозо-листон республикаларидаги дори-хоналари провизор кадрлар би-лан таъминламоқда. Институтда таълим олган фармацевтларнинг кўпи Турманистон ва Тожики-стон, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳамда бошқа республикаларда са-лаб кўпроқ таъминлаш тадбирла-ри ишлаб чиқилган. Дори-дармон-лар, медицина техникаси бўюмла-ри ва бошқа медицина бўюмлари ишлаб чиқариш ҳажми 1965 йил-да 1955 йилдагига нисбатан 3,5 баравар кўпайтирилди. Мазкур қарорда медицина практикасига бундан 20 йил муқаддам кири-тилган пенцилин ва бошқа ан-тибиотик препаратларни янада кўпроқ ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилган. Чунончи, етти йиллик охирига бориб пенцилин 4,8 баравар, стрептомицин 5,5 баравар, левометицин 7 бара-вар, тетрациклин тарзидаги ан-тибиотиклар 13 баравар кўп иш-лаб чиқарилади. Шу билан бирга янги антибиотиклар топиш, гар-монлар препаратлар ишлаб чиқа-риш, витаминлар тайёрлаш каби муҳим ишлар фармацевтика хо-димларининг шарафли вазифаси деб кўрсатилади.

Партия ва ҳукуматимиз инсон-парварлигининг юксак намунаси бўлган бу ҳужжатда аҳолини юқо-ри сифатли дори-дармонлар бил-ан тўла таъминлаш, алтекаларни кўпайтириш, уларни аҳоли кўп яшайдиган жойларга яқинлашти-риш масалаларига ҳам жиддий эътибор берган. 1965 йилгача мамлакатимизда 6500 та янги до-рихона очил, область ва ўлка марказларидаги медицина асбобла-ри, ускуналари, оптика ва тиш даволаш материаллари билан савдо қиладиган иxtисослашти-рилган мағазилар очил, вазифа-сини иттифокчи республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига юкланган.

Аҳоли соғлигини сақлаш, меди-цина хизмати савиясини кўтарини ишлари Ўзбекистонда, жумладан Тошкент областида анча яхши олиб боришмоқда. Бунинг учун катта имкониятлар ва шарт-шар-оитлар мавжуддир. Республика-мизда ўнга яқин медицина илмий-тектириш институтлари, битта фармацевтика институти бўлиб,

Институт ҳодимлари дори-хона-ларимиз учун юқори маҳалали кадрлар тайёрлаш билан бирга инсон соғлигини сақлаш ишлари-ни яхшилашга ёрдам берадиган дори-дармонларнинг янги-янги турларини топиш юзасидан ижо-рий меҳнат қилмоқдалар.

Институтнинг перспективя пла-ни юзасидан республикамизнинг 80 дан ортиқ дориюв йеимлиги текшириб кўрилади, 20 дан ортиқ янги дориюв моддалар синтезлаб олинди. Юқорида айтиб ўтилган

коамид, кобальт-8, кобальт-9 ва он қон танақчалари қанчаларда иш-латилиши мумкин бўлган ко-бальт-30 препаратлари, ангон ўсимликдан олганин, ўпкани юм-шатидаги янги дори ва бошқа-лар шулар жумласидандир. Ток барларидан поливитаминлар оли-шининг илмий асослари ишлаб чи-қилди. Шу усул билан тайёрлана-диган янги препаратлар фарма-цевтика заводида ишлаб чиқа-рила бошланади.

Янги дориюв топиш юзасидан олиб бориладиган ишларни яхши-лаш учун институт базасини ке-нгайтириш, унда плантация-питом-ники яратиш лозим. Ана шу план-тацияда республикамиздаги барча ўсимликларни еттиштириш, суб-тропик ўсимликларини республика шароитига мослаштириш жуда зарурдир.

Республикамизда аптекалар тармоғини кенгайтириш ниҳоятда зарур. Аҳоли жон бошига ҳисоб-лаганда Ўзбекистонда аптека-лар сонин Латвия, Грузия, Эсто-ния республикаларидан анча кам эканлигини маълум. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда 248 та янги аптека очил, шулардан 182 тасини узоқ район ва қишлоқлар-да барпо қилиш қўлаа тутилган-ни, бу партия ва ҳукуматимиз-нинг халқ соғлигини сақлаш со-ҳасидаги катта таъмиригининг янги, ёрқин далилидир.

Аптекаларни янги тайёр дори-дармонлар билан узлуксиз таъ-минлаб туриш учун республика-мизда фармацевтика фабрикаси очил ва қиммат фармацевтика скла-дини янада кенгайтириш тадбир-лари кўришмоқда. Фармацевтика заводида эса янги препаратлар ишлаб чиқариш учун бир қатор цехлар очил қўлаа



ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

СПАРТАНАДНИНГ ДАСТЛАБИ ЧЕМПИОНЛАРИ

Ўзбекистон ёш спортчиларининг учинчи баҳори спартакиадаси про- граммаси бўйича Тошкентдаги «Ди- намо» спорт залида курашчилар му- собақаси бўлиб ўтди. Бу мусобақа- дарда «Локомотив», «Буревестник», «Спартак», «Динамо», «Меҳнат», «Меҳнат резервлари» жамиятлари ва Туркистон ҳарбий округи спорт клуби спортчилари қатнашдилар. Қизгин кураш натижасида ёшлар ўр- тасида «Локомотив» жамияти ку- рашчилари ҳамма вазилар бўйича голиб чиқиб, спартакиада чемпиони номини олдилар. Ёшлар коман-

далари ичида аса меҳнатчилар би- ринчилигини эгаллашди. Спартакиадада келган боксчилар мусобақаси Октябрь революцияси клубида ўтказилди. 6 командалан 93 спортчи қатнашган бу мусобақада «Меҳнат» ўртасида «Динамо» спорт жамияти боксчилари биринчилигини эгаллаб, спартакиада чемпиони но- мини олдилар. Спартакчилар аса ик- кинчи ўринда қолдилар. Лекин бу жамиятнинг ёшлар командаси би- ринчилигини эгаллашга муваффақ бўлди.

Л. Пянцев.

ШАХМАТЧИ Е. НАДЕЖДИН — ОБЛАСТЬ ЧЕМПИОНИ

Олмалик шаҳридаги техникалар уйида область биринчилиги учун бўлган шахмат мусобақасида 17 би- ринчи разрядли ва бир мастерликка кандидат шахматчи қатнашди. Қиз- гин курашлардан сўнг мастерликка кандидат Е. Надеждин (Олмалик) ҳамма партияларда моҳирлик билан ўйнаб, область чемпиони номини олган муваффақ бўлди. У 17 им- кониятдан 14 очко тўплади.

Утган йилги чемпион Неверов аса, голибдан ярим очко орқада қо- либ, иккинчи ўринни эгаллади. Шахматчи Лихтинштейн учинчи ўринга чиқди. Бу уч шахматчи рес- публика биринчилиги учун бўлган- ган ярим финал мусобақаларида қатнашди.

Б. Пардабоев.

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИ ГОМЕЛГА ЖУНАБ КЕТДИЛАР

Шу йил 15 мартдан 23 мартгага Беларусия ССРининг Гомель шаҳри- да Бутуниттифик «Спартак» кўнгли- ли спорт жамиятининг спартакиа- да бўлди. Ўзбекистон спартакчи- ларининг терма командаси ана шу мусобақада қатнашган учун бугун Гомель шаҳрига жўнаб кетди.

Спортчилар учун жиддий синов бўлган бу мусобақада «Спартак» жамиятининг чемпиони биринчи раз- рядли боксчи Н. Люксембург, ўрта оғир чемпион В. Атаронов, спорт мастери И. Будман, Ўзбекистон учинчи ёшлар спартакиадаси че- мпиони Х. Тиллаҳжаев ва бошқалар республикамиз спорт шарафни учун курашдилар.

Б. Пўлатов, Т. Қорабоев.

Ўзбекистон ССРининг Гомель шаҳрида

5 МАРТДА

19.00. Ҳукуматнинг му- зикали эшитуриши. П. Чайко- вский, «Ил фасллари» (рус ва ўзбек тилларида).
19.30. Ота-оналар учун қисса метражи фильм «Вип- сир».
19.50. Сўнгги ахборот.
20.10. Ўзбекистон композиторлари қайта ишлаган ўзбек халқ нуйлари.
20.50. Бадий фильм «Гил- лот бандаси».

ТОШКЕНТНИНГ ТАҲОҶА ҲАММОНА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 5/III да Кармен (Билетлар сотил- ган, 6/III да қўндуз Евгений Оне- гин, кечқурун Майсарининг иши (билетлар сотилган), СССР халқ артистлари Халима Носирова ва Саодат Қобилова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Карим Зокиров ва Саттор Ярашевлар қатнашади.
ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА 5/III да Фуркат, 6/III да қўндуз Юрак ёмоғи керак, кечқурун Гамлет.
МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТР- ДА 5/III да Ватан иши, 6/III да қўндуз Нурхон, кечқурун Ранс уйланганимиз.
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОН- ЦЕРТ ЗАЛИДА — 5 ва 6/III кеч соат 8 яримда Ўзбек ашула ва раке ансамблининг концертлари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ- ДА — Тошкентда биринчи марта Нина ва Александр Капитановлар раҳбарлигида «Чангалзордаги хо- дас» номли аттракцион ва янги программда тамоналар. Кеч соат 8 да бошланади. Яқинлаб куни 3 марта тамона кўрсатилади (қўн- дуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).
Хўрланганлар (1- серия) — «ВАТАН» (қўндуз ва кечқурун). Герольштейннинг саргузашти — НАВОИЙ НОМЛИ, «ЎЗБЕКИСТОН» (қўндуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ПИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да).
Сўнгги қайтиш — «ИСКРА» (1 ва 2- залда қўндуз ва кечқурун, 3- залда кеч 5 дан), «СПУТНИК» (қўндуз ва кечқурун), «КОМСО- МОЛ 30 ПИЛЛИГИ» (қўндуз со- ат 3 ярим, кеч 6 ярим ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ПИЛЛИГИ» (эрталаб 11, қўндуз 3 ва кеч 7 да).

Цхетилик Майя — НАВОИЙ НОМЛИ (қўндуз 1 яримда), «КОМСО- МОЛ 30 ПИЛЛИГИ» (эрталаб со- ат 10, қўндуз 12, 2 ва кеч 5 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ПИЛЛИГИ» (қўндуз ва кечқурун).
Абу Али Ибн Сино (қўндуз со- ат 3-20 минутада ўзбек тилида), Фуртуна (кеч 5 да) — НАВОИЙ НОМЛИ.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲЕТ ЭЛЛАРДА

Бунинг такрорланишига йўл қўймаслик керак!

ҚОҲИРА, 3 март. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдмла- ги кенгаши доимий секретариати- нинг бош секретари Юсуф Ас-Сибон баёнот эълон қилди. Бу баёнотда ядро қуроли синовларини дарҳол та- қиқлаш зарур эканлиги таъкидлан- ди. Хироема ва Нагасаки фожiasi, деди Ас-Сибон, ҳеч қачон такро- ранмаслиги керак.

Шу муносабат билан у Франция- нинг Сахройи Кабирда ядро сино- вларини давом эттиришга йўл қўй- маслик зарур эканлигини ва Фран- циянинг ана шу тадбири ҳамма то- мондан қораланаётганини кўр- сатди.

Ас-Сибон ана бундай деди: «Биз, хавфсизлик тўғрисида Қўшма Штат- лар билан Япония имзолаган янги шартномага ҳам эътиборсиз қарай олмаймиз. Бу шартнома Осиё ва Африка халқларининг бирдмлалигини бузиш, Узоқ Шарқда нормал бўла- ган, хавфли ҳавонини давом эттири- бериш ва Габрий Германия каби Японияни ҳам ядро қуролига эга бўлган империалистик давлатга ай- лантириш йўлидаги ана бир ури- нашдан бошқа бир йарса эмас».

Ас-Сибон юксак даражада ўткази- ладиган кенгашига тўхталиб, буюк давлатларнинг бошқилари ядро синовларини абадий тўхтатиш маса- ласи юзасидан бир битимга келади- лар, деб умид билдирди.

Айни вақтда, — деб таъкидла- ди у, — биз қуролишнинг маса- ласи билан шугулланувчи 10 мам- лкат комитетининг яқинда ўткази- ладиган мажлислари самарали бўл- син ва ёшасига ҳамда батамом қу- ролишнинг тўғрисида узи-л-кесил битим тузилишига олиб келисин, деб қаттиқ талаб қиламиз.

Биз, Марказий Европада, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқда атомсиз зоналарни вужудга келтириш го- ят муҳим деб ҳисоблаймиз.

Биз, Осиё ва Африкадаги барча халқларни тинч-тотув яшаи, тинч бўлиш, Узоқ Шарқда атомсиз им- периализм ҳукмронлигини тутатиш- нинг янги даврига асос қўймоқ учун ўзларининг бутун қут-гайратларини сарф қилишга қақирамиз».

Матбуот хабарларига қараганда, ҳимоячилар Вальтер Ульбрихтнинг Аденауэрга ёзган мактубини суд за- лида ўқиб беришни тақлиф қилди- лар. Бошқа ҳужжатлар каби, бу мактуб ҳам Германия Компартияси ва Германия Бирлашган Социали- стик партияси дм тинчликни сақ- лаиш учун курашиб келаётганликла- рини ва Германия Коммунистик пар- тияси аъзоларининг Габрий Герма- ния тинчлик учун курашувчилар комитетидеги фаолияти фақат тинч- лик мақсадларигагина хизмат қи- лганини исбот этди.

Аммо суд ҳимоячиларнинг бу тақ- лифини қабул қилмади.

Кубадаги шакар қамишзорларига ҳаводан ҳужум қилинди

ГАВАНА, 3 март. (ТАСС). Маҳал- лий газеталарнинг хабар беришича, 1 мартда Лас-Вильяс вилоятидаги шакар қамишзорлари ана қароқчи-

ҲОЙДАЛИ САҒАР

ДЕХЛИ, 3 март. (ТАСС). СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Маккевич Хиндистон қишлоқ хўжа- лиги ва озиқ-овқат министри С. К. Натилини ва Хиндистон қишлоқ хў- жалик ҳамда озиқ-овқат министрли- гининг давлат министри Дешмухани Совет Иттифоқида келишга тақлиф этганлиги тўғрисида матбуотда ха- бар берилган эди.

Индия Пресс Эйженси агентлиги бу тақлифнинг аҳамиятини таъкид- лаб, Хиндистон министрларининг СССРга бориши ҳар иккала мамла- кат ўртасида қишлоқ хўжалиги со- ҳасидаги ҳамкорликни янада кўпроқ мустаҳкамлайди, деб қайд қилди. Хиндистон ҳукумати, деб кўрсатади агентлиги, мамлакатнинг давлат сек- торида Сураттархлагги механикалаш- тирилган давлат фермаси каби Ли- рик хўжаликларини ташкил этиш учун зарур маълумотларни олади. Бу хўжаликлар Хиндистонда қиш- лоқ хўжалик маҳсулотлари етишти- ришни кўпайтиришда катта роль ўйнайдилар.

Агентлик ана қуйидагиларни қайд қилди: Сураттархлагги Совет Иттифо- қининг ёрдами билан вужудга кел- тирилган ана шу жуда катта ферма таърифа станциясида йирик қиш- лоқ хўжалик марказига айлантирил- ди.

БИТИМ МУДАТЛИ УЗАЙТИРИЛМАЙДИ

ПАРИЖ, 3 март. (ТАСС). Франс пресс агентлигининг мухбири Мани- клдан хабар беради: Филиппин ҳу- кумати муддат 3 марта тамом бў- ладиган Америка-Филиппин авиа- ция битими муддатини узайтирмас- лик тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ерда ана шу битимни «ададат- сиз битим» деб ҳисобламоқдалар.

ЭЙЗЕНХАУЭР МОНТЕ-ВИДЕОДАН ЖУНАБ КЕТДИ

ПАРИЖ, 3 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Мон- тевидеоан билдиришича, президент Эйзенхауэр бугун махсус самолётда Монтевидеоан Қўшма Штатларга учиб кетган.

БИЛДИРИШ

Тошкент област партия комитети област Советининг барча де- путатларига маълум қиладики, шу йил 9 мартда меҳнатчилар депу- татлари Тошкент област Советининг VII чакирин VI сессияси бў- лди.

Куч тартибига бўйлиб ижроия комитетининг иши тўғрисидаги ҳи- соботи қўйилган.
Сессия эрталаб соат 11 да Ўзбе- кистон давлат эстрада театрининг биносида очилди. Депутатлар шу ернинг ўзида соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинди.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

Редактор: З. ЕСЕНБОВЕВ.

Касалхона ходимларининг ташаббуси

1-«БОЕВУТ» совхозининг касалхона- си янги йилга қўйилди. На- тажада касалхонада койкалар сон- и ортди. Туғруқхона бир бўлим эди, энди у расмий туғруқхонага айлан- тирилди. Бу ерда 1-«Боевут» совхо- зининггина эмас, атрофдаги қўшни колхоз ва совхозларнинг иши ва хизматчилари ҳам даволанадилар.

Совхоз марказидаги амбулатория- да рентген, хирургия, физиотерапия ва бошқа кабинетлар бор.

Касалхонага қўйилган 2 та со- домлаштириш пункти, 5 та фельд- шерлик пункти, 2 та антека совхоз бўлимларининг марказларида ишлаб турибди. Ростовлик врачлар ташаб- бусига қўшилган касалхона врачла- ри бу пунктларга ҳафтада 2 марта- дан бориб, ўша ернинг ўзида касал- ларни қабул қиладилар.

Совхозда медицина пропаганда- си ҳам яхши йўлга қўйилган. Совхоз радиоузели орқали ва жойларда ай- рим касалликлар, улардан сақла- ниш чоралари ҳақида тез-тез омма- ниш теоралари қўйиб турилади. Ке- йинги 1,5 ой ичида бош врач Мў- минов ва врачлардан Лиличук ўр- тоқлар ўзбек ва рус тилларида 15 та лекция ўқидилар.

М. СУЛТОНОВ.

ҚУЧАТ УТҚАЗИШ ОЙЛИГИ

Қизгин киришдилар

Пойтахтимизнинг Қуйибеши рай- он меҳнатчилари «Қучат утқаз- иш ойлиги»га қизгин равишда киришиб кетдилар. Қўча ва май- донларга дароҳт қўчатлари утқа- зиш ҳамда ариқларни тозалаш ишларида мактабларнинг ўқувчи- лари, саноат корхоналарининг иш- чи-хизматчилари актив қатнаш- моқдалар. Улар район территория- сини обод ва кўркам қилишга бел боғлашган.

Район бўйича 45 минг турли сероса дароҳт қўчатлари, 1 мил- lion 330 минг гул ниҳоллари ўт- қазилди, қўчалар ва майдонлар кўркам қилинди. Бундан ташкари 20 мингдан ортиқ бута ўсимлиги экилади. Комсомол 40 йиллиги, Ворошилов қўчаларида янги обод майдончалар, «Ташкенткабель» за- водиди олдига шинам сайроғи барпо этилади.

Дароҳт қўчатлари ўтқазиш иш- да мактаб ўқувчилари айниқса

Ўқувчилар илбични кўргандек бўлишди

Яқинда пойтахтимиздаги 143-ўрта мактабда пионер ва ўқувчилар кеска коммунист Тўраҳон Иброҳимова билан учра- шув ўтказдилар. Ўқувчилар мактабнинг кенг ва ёруғ залини меҳр билан безатишди. Мактабнинг устакхонаси ва тўрақлари- да ясаган нарсаларини ҳам ўқувчилар кеска коммунист кўр- сини деб залга териб қўйишди.

Тўраҳон Иброҳимова пайдо бўлганда, залдагилар уни қизгин қарсақлар билан қарши олишди. Учрашувни мактаб дружина советининг раиси 8-синф ўқувчиси М. Рафурова оч- ди. Саксон ёшларга бориб қолган, лекин кўринишдан бакуват ва ҳаракатчан онахон — Тўраҳон Иброҳимова Илбич ҳақидаги ўз хотираларини сўзлашга бошлаганида зал қув қўйғандек жимиб қолди.

Мен биринчи марта Владимир Ильич Ленинни 1922 йилда Кремлда кўрганман. Ўша маҳалда Москвага қишлоқ хўжалик виставкасиа борган эдим. Туркистон ўлкасидан кел- ганнинг библи Владимир Ильич Кремлда, ўз кабинетидега менга қабул қилди. Биз самийи суҳбатлашдик. Ленин мендан ўзбек хотин-қизлари ва комсомоллар ҳақида қизибди сўради. Дохи- нинг чуқур маъноли, кишига куч, қувват бахш этувчи сўзлари ҳали-ҳали эдимда. Унинг нуруний сиймоси аса бир умр қўл ол- димдан кетмайд.

Тўраҳон Иброҳимова 1923 йилда иккинчи марта Москвага Советлар съезидига боради. Уни Бойлшай теъдоди очилиган съезиднинг Президиумига сайлашди. Лекин теъбобийи сабабли Ленин съезд ишида қатнаш олмади. Съезд тамом бўлгач, Тўраҳон Иброҳимова ўртоқ Калинин билан бирга Илбични кўр- гани Горькига боради. Уларни Крупская ва Лениннинг синг- лиси Ульянова қарши олишди.

Бетоб бўлишга қарамай меҳрибон доҳимиз бу гал ҳам мен билан қизгин суҳбатлашди, — деди Иброҳимова ўша уни- тилмас дамлари эслар экан, — қимматли болаларим, доим би-ринчилигига Илбичдек меҳрибон бўлинг. Яхши ва аъло ўқиб ойна-Ватанинг содиқ фарзандлари бўлинг. Ўқини, ўқини ва ана ўқини деб ўқитиран улуг доҳимизнинг васияти шу.

Мароқли суҳбат тамом бўлгач, залга бир зум вақтин, су- кунат қўнди. Ўқувчилар кеска коммунист ҳиоисидан худди Илбични кўргандек таъсирланган эдилар. Мактаб директори ўртоқ Азизова Тўраҳон опа бўйнига қизил галстук таққандан сўнг залда табрик ва қарсак овозлари янграб кетди.

Шундан сўнг мактабнинг ҳаваскорлари ҳурматли меҳмонга концерт кўрсатишди. В. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» поэмасидан шеърини парчаларни ёддан ўқиб беришди.

Бу учрашув мактаб коллективидега қўқур таассурот қол- дирди.

Н. ОМОНОВА.

ЖАМОАТ СУДИ ЗАЛИДАН

Ҳамма мамнун

Қуйи Чирчиқ район Гул жу- каноп заводининг мотористи Қорабой Тожиёв шу йил 8 фе- враль кечаси маст бўлиб, қолхоз туғруқхонасига боради. У маст- лик билан туғруқхонада ҳамшира- си ўртоқ Ана Қолъовнага хи- ралик қилади. Тожиёвнинг ёвуз- ниятини фаҳмлаб қолган ҳам- шира уни итариб юборади. Бундан гасазланган Тожиёв Аянга урабшолмай. Жанжал устига етиб келган кишилар Қолъовани безори Тожиёвнинг қўлидан ажратиб оладилар ва шу ернинг ўзида акт тузди- лар.

Завод дирекцияси ва жамоат ташкилот Тожиёвнинг ҳуқуқи- ни муҳофиза қилиб, уни ўртоқ- лик судига ҳавола қилдилар. Завод ўртоқлик суди яқинда кенг жамоатчилик иштирокда Тожиёвнинг жиноий ишини кўр- ди. Суд ҳайати ва сўзга чиққан ишчилар, қолхозчилар Тожиёв- нинг ҳуқуқдорлигини қаттиқ қо- раладилар.

Лекин халқнинг гасазлидан қўрққан ва жамоатчилик наф- ратига учраган Тожиёв ўз гу- ҳоҳларини бўйнига олди ва суд ҳайатига, залда ўтирган киши- ларга эътибор, тавба қилди. Шундан кейин завод ишчилари уни тарбиялашга сўз бериб, на- филга олдилар.

Залда ўтирган ишчилар, хиз- матчилар ва қолхозчилар суд ҳукмидан мамнун бўлдилар.

А. КАРИМОВ.
«Коммунизм» колхози пар- тия ташкилотининг секре- тари.

МАКТАБ БОҒИДА

Шу кунларда Ўрта Чирчиқ районидеги 10-мактаб ўқувчилари мактаб боғини кўкаламзорлашти- риш тадбирларини кўрмоқдалар. Улар йил баҳор кунлари бошла- нинг билан дароҳт қўчатлари ва қаламчалар екишга киришган эди- лар. Ҳозиргача минг тупга яқин ҳар хил манзарали дароҳт қўча- тлари ўтқазилди ва 2 минг тупдан ортиқ терак қаламчалари экиди.

А. ИСРОИЛОВ.

Калинин районидеги Хрущев номли колхозда яхши мевазор бог яратилган. Колхоз мевачи- ликдан ҳам ҳар йили янгигина даромад олади. Суратда: бог- дорчилик бригадасининг аъзо- лари Исроил Тўхтаев ва Носир- хўжа Султонхўжаев ўртоқлар ёш олма ниҳолларининг мева қилмайдиган шохларини кесмоқ- далар.

М. Нуриддинов фотоси.